

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУХТАРОВ БЕКЗОДБЕК МУРОДЖОН ЎҒЛИ

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ «АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ»
АСАРИ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
historical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
историческим наукам**

Мухтаров Бекзодбек Муроджон ўғли

Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ханафий
фикҳига оид муҳим манба..... 3

Mukhtarov Bekzodbek Murodjon o'g'li

Nasiruddin Samarkandi's work of «al-Fiqh al-nofe'» is an important source
on Hanafi jurisprudence..... 21

Мухтаров Бекзодбек Мураджан угли

Произведение Насируддина Самарканди «Аль-фикх ан-нофе» как
важный источник по ханафитского фикха..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 42

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

МУХТАРОВ БЕКЗОДБЕК МУРОДЖОН ЎҒЛИ

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ «АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ»
АСАРИ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tag444 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация реферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.iiaw.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим портали (www.ziyounet.uz) манз жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Абдурашид Ганижанович
тарих фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Бекмирзаев Илҳомжон Исроилжонович
тарих фанлари доктори, доцент

Закурлаев Абдумутал Каримович
юримдик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tag/F.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiaw.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiaw.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Д.Р.Махсудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори (DSc), доцент

С.А.Рустамий

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология фанлари доктори
(DSc), доцент

З.М.Исломов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филология
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихида ислом ҳукуқи (الفقه – фикҳ)нинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этишдаги ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бугунги глобаллашув жараёни ҳам замонавий молиявий масалаларга ечим топиш, оила ва никоҳ муносабатларини тартибга солишда ислом ҳукуқи манбаларидан фойдаланишни тақозо этмоқда. Айни шу масалада ҳанафий фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Лайс Самарқандий, Алоуддин Самарқандий, Алоуддин Косоний, Носируддин Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний каби мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг илмий мероси муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан мовароуннаҳрлик уламоларнинг ҳанафий фикҳига доир асарларида келган масалалар бугунги кун жамият ҳаётидаги диний-ижтимоий муаммоларни ечишда қўллаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда шаклланган бир қатор илмий-тадқиқот марказларида ҳанафий фикҳининг (أصول الفقه) усул ва (فروع الفقه) фуруъ соҳаларидаги манбаларини чуқур ўрганиш ва асл моҳиятини очишга эътибор қаратилаётгани ушбу турдаги манбаларнинг илмий аҳамияти юқори эканлигидан далолат қилади. *Усул ал-фикҳ* илми борасидаги изланишларда унинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, усул олимлар, усул қоидаларига эътибор қаратилаётган бўлса, *фуруъ ал-фикҳ* илмидаги тадқиқотларда манбаларни алоҳида мавзуларга ажратиш, уларда учрайдиган масалаларни далили билан келтириш ҳамда аҳл ас-сунна ва-л-жамоанинг тўрт мазҳабига доир масалаларни қиёслаш ва мавзулар юзасидан таҳлил этишга эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» (الفقه النافع – «Фойдали фикҳ») асаридаги ўзига хос жиҳатларни очиб бериш ҳанафий фикҳ илмининг *фуруъ ал-фикҳ* соҳасидаги тадқиқотларнинг илмий савиясини яна бир поғонага олиб чиқади.

Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳанафий фикҳи ва мазҳаб уламоларининг илмий-маънавий меросини ўрганиш ҳамда уни жамоатчиликка етказишда кенг имкониятларни яратмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ олимлар томонидан Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» (الهداية – «Тўғри йўл»), Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшанийнинг бола ҳуқуқларини ўзида жамланган «Жомиъ аҳком ас-сиғор» (جامع أحكام الصغار – «Бола ҳуқуқлари кодекси») асарининг ўзбек тилидаги изоҳли таржимаси амалга оширилди. Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳ илми ривожига ўзига хос мавқега эга бўлган Носируддин Самарқандий ҳаёти ва фикҳ илмига оид илмий меросини таҳлил этиш ҳамда олимнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг диний-ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги аҳамиятини кўрсатиб бериш соҳадаги тадқиқотларнинг изчил давоми бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июндаги 519-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг кутубхона фондини хорижий адабиётлар билан бойитиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Носируддин Самарқандий ҳаёти, фаолияти, илмий мероси Ғарб ва Шарқ шарқшунослари, исломшунос олимлари томонидан тадқиқ этилиб, бу бўйича илмий мақолалар эълон қилинган. Ғарб олимларидан: А.Массе, А.Шагавиев, И.Фильштинский, К.Брокелман, К.Идрисова, Л.Сюкияйнен, М.Адам, Р.Шарль ва Ю.Джафич кабилар Носируддин Самарқандий ва унинг илмий мероси тўғрисида муҳим маълумотлар беришган¹.

Шарқ мусулмон олимлари: Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад, Абдулҳай Лакнавий, Иброҳим Аббуд, Иброҳим Солиҳ, Мулла Али Қорий, Ҳожи Халифанинг табақот-библиографик китобларида Носируддин Самарқандийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган². Саудиялик олим Иброҳим Аббуд Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари бўйича алоҳида тадқиқот ишларини амалга оширган. Мазкур тадқиқотда фақиҳнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг қўлёзмалари, олимнинг ўзига хос услублари борасида тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчи томонидан 2000 йилда

¹ Массе А. Ислам очерк истории. Перевод с французского Н.Б. Кобриной и Н.С. Луцкой. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 230 с.; Шагавиев А., Ямалиев М. Классификация разрядов факихов ханафитского толка: мнение Шихаб ад-дина ал-Марджани. *Minbar. Islamic Studies*. 2018; Фильштинский И.М. История арабов и халифата. (750-1517 гг.). – 3-е изд., испр. и доп. – М.: АСТ: Восток Запад, 2006. – 349 с.; Brockelmann С. *Geschichte der arabischen Literatur*. – Supplementband I-III. – Leiden, 1937. – 973 p.; Ал-Акаид ан-насафийа / перс. с араб. и комм. К.Х.Идрисова. – ООО «Садра», 2016. – 100 с.; Сюкияйнен Л. Мусульманское право. Вопросы теории и практики. – М.: Наука, 1986.; Адам М. Мусульманский ренессанс. – М.: Наука, 1978. – 458 с.; Шарль Р. Мусульманское право. Перевод с французского С.И.Волка. – М.: Иностранная литература, 1959. – 142 с.; 11(1): 109-118.; Jusuf Džafić. *Najznačajniji klasični hanefijski učenjaci*. / <https://www.zeriislam.com/artikulli.php?id=3271> (30 Maj 2018).

² Абдуллоҳ Абдулҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари комуси. – Т.: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б. 215.; Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахия фи тарожим ал-ханафия. – Миср: Магбаат ас-саодат, 1324/1906. – Б. 219-220.; Носируддин Самарқандий. Ал-Фикҳ ан-нофеъ. – Ар-Риёз: Мактаба ал-абикон, 2000. – Ж. 1-3. – 425, 440, 600 б.; Носируддин Самарқандий. Риёзат ал-ахлоқ. – Дамашк: Дор ал-башоир ал-исламия, 2006. – 348 б.; Мулла Али ибн Султон Муҳаммад Қорий. Ал-Асмар ал-жания фи асма ал-ханафия. – Бағдод: Девон вақф ас-сунний, 2009. – Ж. 2. – Б. 638.; Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун. – Байрут: Дор аҳё ат-тарос ал-арабий, 1941. – Ж. 2. – Б. 565, 717, 1580, 1697, 1813, 1921, 1922.

«ал-Фикҳ ан-нофeъ» асарининг танқидий матни ҳам нашр этилган. Самих Иброҳим Солиҳ олимнинг одоб-ахлоқ ва тасаввуф илмига оид «Риёзат ал-ахлоқ» (Ахлоқ тарбияси) асарини тадқиқ этиб, асарнинг мавжуд қўлёзма нусхалари асосида 2006 йилда Дамашқ шаҳрида асарнинг араб тилидаги замонавий нашрини амалга оширган.

Туркиялик олимлардан: А.Ўзел, Б.Чалик, К.Йилдиз, М.Кўсе ва М.Топрак кабилар Носируддин Самарқандий ҳаёти ва унинг асарлари қўлёзма нусхалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар³. Аҳмет Ўзел «Ҳанафий фақиҳ олимлари» номли китобида Самарқандийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтган. Муртазо Кўсе Топкапи саройи музейи кутубхонасида сақланаётган ханафий фикҳига оид асарлар қўлёзмаларига бағишланган мақоласида Носируддин Самарқандийнинг №.А.1165 инвентарь рақами остида сақланаётган «ал-Фикҳ ан-нофeъ» асари қўлёзмаси ҳақида маълумот берган. Меҳмет Саид Топрак машҳур ханафий олими Сирожиддин Ўший ҳақида тўхталиб, Носируддин Самарқандийни унинг биринчи устози сифатида қайд этган. Кемал Йилдиз ва Занкенбай Себетов ҳам Сирожиддин Ўшийнинг «ал-Фатово ас-сирожия» асарига бағишланган тадқиқотида Носируддин Самарқандийни Ўшийнинг устози сифатида эътироф этилганини таъкидлашган.

Ўзбекистонда А.Жузжоний, А.Маллабоев, А.Мўминов, Д.Махсудов, Д.Раҳимжонов, Ё.Мансуров, И.Бекмирзаев, М.Атаев, С.Оқилов, С.Примов, Ш.Зиёдов, Қ.Махмудов, Ҳ.Аминов каби тадқиқотчилар⁴ томонидан амалга оширилган илмий ишларда олим самарқандлик уламолар қаторида зикр этилган, олимнинг ҳаёти ва илмий мероси борасидаги маълумотлар жамланган.

³ Ahmet Özel. Hanefî Fıkıh Âlimleri. – Ankara: 2000. – 784 s.; Bunyamin Calik. Bahrul-fetava adli eseri bag'laminda Kadizade Mehmed Arif Efendi'nin fikihci portresi. / Erzurum ispirli Kadizade Mehmed Arif Efendi ve Omer Efendi sempozyumu. – Erzurum: 2014. – S. 277-306.; Kemal Yildiz. Zharkynbai Sebetov. Orta Asyali hanefi fakihî Sirâceddin Ali b. Osmân el-Uşî'nin el-fetâva's-sirâciyye adli eseri ve bazi fikhî görüşleri. – S. 52-77.; Murtazo Kose. Topkapi sarayi muzesi kutuphanesi arabca el yazmalar katalogundagi hanefi fikhina ait eserlerin listesi. / Islam hukuku Aristirmalari dergisi. sy. 7 – Nisan: 2006. – S. 487-498.; Mehmet Said Toprak. Ali b Osman Siraceddin el-Usi hayati ve eserleri. / D.E.U. İlahiyat fakultesi dergisi. Sayı XXIII. – Izmir: 2006. – S. 65-86.

⁴ Қаранг: Жузжоний А.Ш. Марғиноний ва унинг издошлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2000. – 56 б.; Маллабоев А. Носириддин Самарқандий илмий мероси тадқиққа муҳтож // Бобур ва дунё. – Тошкент, 2019. – № 1(10). – Б. 38-41.; Маллабоев А. Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг «ал-Мустасфо» асари муҳим фикҳий манба // INFOLIB. – Тошкент, 2018. – №. 4. – Б. 68-69.; Муминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): тар.фан.докт. дис... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – 46 б.; Махсудов Д. Абул Баракот ан-Насафий ва унинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақоққ ат-таъвил» асари. Монография. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – Б. 198.; Раҳимжонов Д. Абу Хафс Насафий. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – 40 б.; Мансуров Ё. Носируддин Самарқандий – Буюк аллома // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Самарқанд, 2010. – № 4. – Б. 258-260.; Бекмирзаев И. Мовароуннаҳрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдишлар ва таҳлилий ёндашувлар. Монография. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. – 332 б.; Оқилов С. Мовароуннаҳрда Мотурудия таълимотининг шаклланиш тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 2012 – 192 б.; Зиёдов Ш. Махмудов. Қ. Ўрта асрларда яшаган машҳур самарқандлик алломалар. – Т.: Фафур Фулом, 2019. – 256 б.; Атаев М. Маждуддин ал-Уструшаний. // <http://muslim.uz/index.php/rukn/fiqh/item/4180> (Ноябрь 27, 2017).; Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари [Матн]. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – 400 б.

Юқорида зикр этилган илмий тадқиқот ишларида Носируддин Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар берилган. Аммо, мазкур мавзу тизимли равишда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 – “Исломунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш” мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Носируддин Самарқандий «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ҳанафий фикҳидаги аҳамиятини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда ёзилган ҳанафий фикҳига оид асарларнинг услуби ва уларнинг илмий-назарий асосларини кўрсатиб ўтиш;

Носируддин Самарқандийнинг Мовароуннаҳр илмий муҳитидаги ўрнини белгилаш;

олимнинг асарларини ислом илмлари соҳалар бўйича таснифлаш;

«ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ёзилиш услуби ва манбаларини илмий асослаб бериш;

манбанинг қўлёзма нусхаларининг манбашунослик таҳлилинини амалга ошириш;

асарга ёзилган шарҳлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиқ бериш;

«ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида баён этилган ибодат масалаларининг ҳозирги кундаги ихтилофларнинг олдини олишдаги аҳамияти кўрсатиб бериш;

асарда келтирилган оилавий масалалар (никоҳ, талок, идда, нафақалар)га оид маълумотларнинг жамиятда мавжуд муаммоларни ҳал этишдаги ролини ёритиб бериш;

бугунги кунда жамият ҳаётида юзага келаётган ижтимоий-маиший масалаларга жавоб топишда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ўрнини белгилаш, улардан унумли фойдаланиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асаридаги ибодат, оила, никоҳ, ижтимоий масалаларга оид муносабатлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, илмий билишнинг диалектик, тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида ҳуқуқий масалалар ечими борасида турли минтақаларга хос фикҳий атамалардан фойдаланилгани нопокликнинг

миқдорини ўлчашда Мовароуннаҳр диёри учун бир «дирҳам» (درهم – кафтдаги сув) миқдори, Шом ҳудудлари учун «Шухлилий» (شهليلي) номли катта дирҳам, Араб минтақаси учун «катта мисқолга тенг дирҳам» ва «Зубрақоннинг қораси» (السود الزبرقانية) номли ўлчов бирликлари асосида очиб берилган;

XII асрга қадар ёзилган фикҳий матнлардан фарқли равишда «болага энага ёллаш» қисми энага ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйиш учун «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг «Ижаралар» номли бўлимига киритилган бўлиб, унга қўшимча равишда энага ижараси, унинг шартлари, таъминоти ва хизмат ҳақи билан боғлиқ масалалар баён этилгани ҳамда ушбу тартиб кейинги даврдаги фикҳий китобларга асос бўлгани далилланган;

Носируддин Самарқандий ўз асарида давр ўтиши билан айрим ҳукм ва шартлар ўзгаришига доир тамойилдан келиб чиқиб, «ҳижрат» (هجرة) ҳукми тўхтагани сабабли имомликнинг шартларидаги «аввал ҳижрат қилганлар» қисмини «вараъ (ورع – тақводорлик)» деб ўзгартирилганини ҳижрат мавзусидаги ҳадислар асосида шарҳлаб бергани исботланган;

молиявий масалаларда Носируддин Самарқандий ҳудудий амалиёт ва одатларни ҳисобга олган ҳолда боғдаги ишчига ўзи етиштирган ҳосилдан хизмат ҳақи бериш амалиётини жорий этиб, унга қўшимча равишда мева-сабзавот маҳсулотларидан ҳам хизматчиларга маош бериш мумкинлиги қоидасини татбиқ этгани ҳамда ушбу мавзуни алоҳида «Мусоқот бўлими» (كتاب المساقاة) да акс эттиргани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Носируддин Самарқандийнинг ҳаёти, устозлари ва шогирдлари тўғрисида тарих ва табақот китобларда берилган маълумотлар тадқиқи асосида «Носируддин Самарқандий ва «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари» номли рисола⁵ нашр этилган. Натижада, Носируддин Самарқандий ҳаёти ва илмий фаолияти кенг оммага етказилган;

олимнинг илмий фаолияти тарихий ва илмий манбалар асосида тадқиқ этилиб, унга нисбат берилган 17 та асар аниқланди. Улар орасида «усул ал-фикҳ» ва «ваъз» илмига оид 1 тадан, «фуруъ ал-фикҳ» илмига оид «Аъсила ва ажвиба» (Саволлар ва жавоблар) номли асарлари аниқланган;

тадқиқот натижасида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг республика ва хорижда сақланаётган 37 та қўлёзма нусхалари аниқланди. Улардан 33 та қўлёзманинг манбашунослик таҳлили амалга оширилиб, илмий истеъмолга киритилган. Асарга Самарқандийнинг шогирдлари ва кейинги давр ҳанафий уламолари томонидан 11 та шарҳ ёзилгани исботланган;

«ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари XI–XII асрларда ёзилган 4 та фикҳий матнлар билан қиёсий тадқиқ қилиниб, Носируддин Самарқандий ўз асарида «жиноят», «мусоқот», «фароиз» ва «истеҳсон» каби мавзуларни алоҳида китоб (бўлим)га жамлаган ҳолда уларнинг мазмунини батафсил ёритгани очиб берилган.

⁵ Қаранг: Мухтаров Б. Носируддин Самарқандий ва «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2020. – 104 б.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма фондида №.4704 ва №.3032 инвентарь рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳамда Иброҳим Аббуд томонидан амалга оширилган замонавий нашрига таянилгани, далиллар билан асослангани, замонавий киёсий-тарихий усуллардан фойдаланилгани ҳамда Шарқ ва Ғарб исломшунослик мактабларида шаклланган қатор илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилгани, тадқиқот натижаларининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда баён этилган Носируддин Самарқандийнинг Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ўрни ҳамда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ҳанафий фикҳи илмида муҳим манба эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалар соҳага оид келгуси илмий тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида ўқитиладиган «Ислом тарихи ва манбашунослиги», «Ўрта Осиёда ислом тарихи», «Исломшунослик», «Ислом ҳуқуқшунослиги», «Ислом ҳуқуқи методологияси», «Ислом ҳуқуқи асослари», «Классик фикҳий матнлар (Фуруъ ал-фикҳ)», «Мовароуннаҳр алломалари» каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитишда, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ҳанафий фикҳига оид муҳим манба эканлиги бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

«ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида ҳуқуқий масалалар ечими борасида турли минтақаларга хос фикҳий атамалардан фойдаланилгани нопокликнинг миқдорини ўлчашда Мовароуннаҳр диёри учун бир «дирҳам» (درهم – кафтдаги сув) миқдори, Шом ҳудудлари учун «Шуҳлилий» (شہلیلی) номли катта дирҳам, Араб минтақаси учун «катта мисқолга тенг дирҳам» ва «Зубрақоннинг қораси» (السود الزبرقانية) номли ўлчов бирликлари асосида очиб берилгани тўғрисидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган «Ўрта асрларда яшаган машҳур самарқандлик алломалар» ва «Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси» китоблар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 4 майдаги 02/152-сон маълумотномаси). Натижада, «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотлар илмий жамоатчиликка етиб боришига хизмат қилган;

Носируддин Самарқандий ўз асарида давр ўтиши билан айрим ҳукм ва шартлар ўзгаришига доир тамойилдан келиб чиқиб, «ҳижрат» (هجرة) ҳукми тўхтагани сабабли имомликнинг шартларидаги «аввал ҳижрат қилганлар»

қисмини «вараъ (ورع – тақводорлик)» деб ўзгартирилганини хижрат мавзусидаги ҳадислар асосида шарҳлаб бергани исботлангани хусусидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган «Ханафий фикҳидан зарур масалалар» номли китоб мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йил 18 майдаги 1623-сонли маълумотномаси). Натижада, соф исломий тушунчалардан бири бўлган «хижрат» сўзининг моҳияти кенгроқ очиб берилиб, мазкур тушунчани нотўғри талқин этувчи тоифаларга раддия беришда асосли манба бўлиб хизмат қилган;

XII асрга қадар ёзилган фикҳий матнлардан фарқли равишда «болага энага ёллаш» қисми энага ҳуқуқларини мустаҳкамлаб қўйиш учун «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг «Ижаралар» номли бўлимига киритилган бўлиб, унга қўшимча равишда энага ижараси, унинг шартлари, таъминоти ва хизмат ҳақи билан боғлиқ масалалар баён этилгани ҳамда ушбу тартиб кейинги даврдаги фикҳий китобларга асос бўлгани далиллангани хусусидаги илмий хулосалар буюртма асосида тайёрланган «Ислом энциклопедияси» китоби мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 11 майдаги 02-03/3198-сонли маълумотномаси). Натижада, фуқароларнинг фарзанд тарбиясидаги масъулият ҳамда таълим-тарбия жараёнида эътибор берилиши лозим бўлган ўринлар борасидаги саволларига жавоб топишларига хизмат қилган;

молиявий масалаларда Носируддин Самарқандий ҳудудий амалиёт ва одатларни ҳисобга олган ҳолда боғдаги ишчига ўзи етиштирган ҳосилдан хизмат ҳақи бериш амалиётини жорий этиб, унга қўшимча равишда мева-сабзавот маҳсулотларидан ҳам хизматчиларга маош бериш мумкинлиги қондасини татбиқ этгани ҳамда ушбу мавзуни алоҳида «Мусоқот бўлими» (كتاب المساقاة)да акс эттиргани аниқлангани тўғрисидаги илмий хулосалардан «O‘zbekiston tarixi» телеканалида эфирга узатиладиган «Тақдимот» ҳамда «Жавохир» кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 30 июлдаги 02-40-1245-сонли маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ва унда меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ молиявий масалалар ечимида амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 15 та – 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 26 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, улардан 9 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган. 3 та халқаро ва 12 та маҳаллий анжуман тўпламларида тезислар эълон қилинган. «Носируддин Самарқандий ва «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари» номли рисола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, ўрганиш объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, ишнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**XI–XII асрлар Мовароуннаҳрда ханафий фикҳ илми ривожини ўрганишнинг илмий-назарий асослари**», деб номланган биринчи бобида ханафий мазҳабининг Мовароуннаҳрга кириб келиши, тарқалиши, XI–XII асрларда ўлкада ёзилган ханафий фикҳининг «усул» ва «фуруъ» илмларига оид асарлар ва уларнинг методологияси, ханафий фикҳ илми ривожидан Носируддин Самарқандийнинг ўрни, олимнинг ҳаёти, фаолияти таҳлили ҳамда илмий мероси таснифи амалга оширилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи «*Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий асарларнинг ўзига хос услублари*» деб номланиб, унда XI–XII асрларда ўлкада фикҳ илмининг «усул» ва «фуруъ» каби соҳалари ривожланиб, 10 дан ортиқ жанрларда 50 га яқин асарлар ёзилгани, мазкур асарлар методологияси ўз навбатида кейинги даврларда ёзилган фикҳий асарларга асос бўлиб хизмат қилгани очиб берилган. Жумладан, фикҳий асарлар ёзилишида мавзуларни маълум тартиб асосида кетма-кет бериб бориш, китобларни фақатгина битта масалага бағишлаш, мавзу ва унга тегишли далилларни санаб ўтиш, мазҳаблар ўртасидаги қиёсий асарлар таълиф этиш, фикҳий масалаларни савол-жавоб тарзида тартиблаш, ҳар бир масала юзасидан ўзидан олдинги ханафий фақиҳларнинг қарашларини баён этиб, якуний хулосалар чиқариш ёки ўзидан олдин ёзилган асарларни шарҳлаш орқали очиб бериш услублари қўлланилган.

XI–XII асрларда Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари билан бир қаторда Имом Сарахсийнинг «ал-Мабсут» (Батафсил баён этилган), Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо» (Фақиҳлар туҳфаси), Алоуддин Косонийнинг «Бадоеъ ас-саноеъ фи тартиб аш-шароеъ» (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар), Бурҳониддин Марғинонийнинг «Бидоя ал-мубтадий» (Фикҳдан бошланғич қўлланма) ва унинг шарҳи бўлган «ал-Ҳидоя» (Тўғри йўл) каби фикҳий матнлар ҳам таълиф этилган. Мазкур асарлар: заиф ривоятлар, кучсиз сўзлардан холи экани, ўқилиши осон, далиллари батафсил келтирилмаслиги, қисқа ва ёдлашга осон бўлиши билан ажралиб туради. Шу билан бирга, фикҳий

матнларда мазҳаблар ўртасидаги ихтилофлар ҳам зикр этилган бўлиб, бу фикҳий масалаларнинг моҳиятини тўғри ва чуқур англаш, қиёсий тадқиқ эта олиш кўникмасининг шаклланишида муҳим саналади.

«Носируддин Самарқандийнинг Мовароуннаҳр илмий муҳитида тутган ўрни» деб номланган иккинчи параграфда Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний (ёки Ҳусайний) Мадиний Самарқандий Ҳанафийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, устоз ва шогирдлари борасидаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилиб, олимнинг биографияси тикланган. Фақиҳ Самарқандда яшаб, ўша ерда илмий фаолият олиб боргани ҳамда 556/1161 йилда вафот этгани аниқланган. Шу билан бирга, Самарқандий 535/1141-543/1148 йиллар мобайнида Марв, Макка, Мадина ва Бағдод шаҳарларига сафар қилиб, етук олимлардан илм ўргангани, 8 йиллик илмий сафардан қайтгач, умрининг охиригача шогирдларга дарс бериш ва китоблар таълиф этиш билан машғул бўлгани қайд этилган.

Тадқиқот натижасига кўра, олимнинг устозлари сифатида Алоуддин Самарқандий, Абдулкарим Самъоний, Абу Ҳафс Насафий, Умар ибн Совий, Ҳусайн ибн Яҳё Бухорийни, машҳур шогирдлари сирасида Сирожиддин Ўший, Абу Лайс Аҳмад ибн Умар ибн Насафий, Абдуҳолик Ғиждувонийлар аниқланди. Носируддин Самарқандийнинг устозлари, илмий фаолияти, шогирдлари ҳамда кейинги давр ҳанафий олимларининг у ҳақидаги эътирофлари Мовароуннаҳр илмий муҳитида фақиҳ алоҳида ўринга эга бўлганини кўрсатади.

Биринчи бобнинг «Носируддин Самарқандий илмий меросининг таснифи» номли учинчи параграфидида олимга нисбат берилган асарлар мавзуларга кўра таснифланган. Тадқиқот давомида олимнинг илмий мероси мазмун ва мавзу жиҳатидан хилма-хиллиги ҳамда Қуръон илмлари, калом, фикҳ, тасаввуф, одоб-ахлоқ, тарих ва луғат илмига оид жами 17 та асар ёзгани аниқланган. Улардан 11 таси ҳанафий фикҳига оид экани кўрсатиб берилган. Жумладан, Носируддин Самарқандийнинг Қуръон илмларига оид «ал-Иҳқоқ» (الإحقاқ – «Яширин қути») ⁶, калом (ақида) илмига оид «Фатҳ ал-ғалақ» (فتح الغلق – «Ноаниқ нарсаларни очиш»), одоб-ахлоқ ва тасаввуф илмига оид «Риёзат ал-ахлоқ» (رياضة الأخلاق – «Ахлоқ тарбияси») ⁷, луғат илмига оид «Булуғ ал-адаб мин таҳқиқ истиора ал-араб» (بلوغ الأدب من تحقيق استعارات العرب – «Араб қочиримли сўзлари таҳқиқидан адабий етказишлар») ҳамда Балх тарихи ҳақида «ат-Тарих» (التاريخ – «Тарих») каби асарлари мавжуд. Тош Купризода ўзининг «Мифтоҳ ас-саода» (Саодат калити) асарида олимнинг «ваъз» ҳақида китоби мавжудлиги ҳақида айтиб ўтган.

Носируддин Самарқандий илмий меросининг асосий қисмини фикҳ илмига оид асарлари ташкил этиб, бу асарлар Мовароуннаҳр фикҳ илми

⁶ Абдулхай Лакнавий ўзининг «ал-Фавоид ал-баҳия» китобида у асарни «ал-Ихсоф» (الإخفاف – «Яширин сават») номи билан зикр этади. Асарнинг қўлёзма нусхаси Германиядаги Берлин кутубхонасида №.728 инвентарь рақам билан сақланади.

⁷ Мазкур асар XII асрда ёзилган бўлиб, бизга унинг 2 та қўлёзма нусхаси маълум. Биринчи нусхаси 868/1562 йилда номаълум хаттот томонидан кўчирилган. 1268/1842 йилда Саудия Арабистонидаги Малик Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳамза Зоҳир шахсий кутубхонасига киритилган. Иккинчи нусхаси Суриядаги «Зоҳирия» кутубхонасида №.11139 инвентарь рақам остида сақланади.

ривожида муҳим аҳамият касб этади. Олимнинг фикҳий асарлари жумласига «ал-Қонун» (القانون – «Қонун»), «ал-Маншур» (المنشور – «Кенг тарқалган»), «ал-Мабсут» (المبسوط – «Батафсил баён этилган»), «Китоб ал-вофий» (كتاب الوافي – «Муфассал китоб»), «Хулосат ал-муфтий» (خلاصة المفتي – «Муфтийнинг хулосаси»), «Жомеъ ал-фатово» (جامع الفتاوى – «Фатволар тўплами») ёки «ал-Жомеъ ал-кабир фи ал-фатово» (الجامع الكبير في الفتاوى – «Фатвога бағишланган мажмуа»), «Китоб ал-Мултақат» (كتاب الملتقط – «Сараланган фатволар китоби») ёки «ал-Мултақат фи фатово ал-ҳанафийа» (الملتقط في فتاوى الحنفية – «Сараланган ҳанафий фатволари»), «Асьила ва ажвиба» (أسئلة وأجوبة – «Саволлар ва жавоблар») асарлари қиради. Маҳмуд Кафавий ўз асарида Носируддин Самарқандийнинг фикҳ илмига оид «Масобих ас-субул» (مصابيح السبل – «Йўлни ёритувчи чироқлар») номли асари ва «усул ал-фикҳ» илмига доир 1 та китоби⁸ борлигини таъкидланган.

Диссертациянинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ўзига хос жиҳатлари ва манбашунослик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида «ал-Фикҳ ан-нофеъ»нинг ўзига хос жиҳатлари, манбалари, XI–XII асрда ёзилган шу турдаги бошқа фикҳий манбалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, асарнинг қўлёзма нусхалари таҳлили, унга ёзилган шарҳлар баён этилган ҳолда манбанинг ҳанафий фикҳ илми ривожида тутган ўрни очиқ берилган.

Бобнинг биринчи параграфи «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ёзилиши услуби ва манбалари» деб номланиб, унда Носируддин Самарқандий «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ўзига услуби ва манбалари таҳлил этилган. Мазкур асар 555/1160 йил – муаллиф ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган бўлиб⁹, у 64 та китоб (бўлим), 146 та катта-кичик боб ва фасллардан иборат. У «Китоб ат-таҳорат» (Поклик бўлими)дан бошланиб, «Китоб ал-хунаса» (Хунаса ҳақида бўлим) билан якунланган. Ҳар бир бўлимга, баъзан боб ва фаслларга ҳам, унда баён этилган мавзуни ифодаловчи номлар берилган.

«Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг ўзига хос жиҳатларидан бири – Носируддин Самарқандий асарни Қуръон оятлари, ҳадислар, саҳобаларнинг сўзлари, қиёс, ҳанафий мазҳаби имомларининг қарашларига таянган ҳолда ўз сўзи билан баён этган. Ҳар бир мавзуни далиллар билан ёритиб беришга ҳаракат қилган. Фикҳий масалалар баёнида шофеий ва моликий мазҳаби қарашлари ҳамда уларнинг далилларини келтириб, ҳанафий мазҳаби қарашлари билан қиёслаган. Шу нуқтаи назаридан, «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари қиёсий фикҳ борасида ёзилган дастлабки асарлардан бири саналади. «Ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари ёзилишида Имом Сарахсийнинг «ал-Мабсут» асаридан истифода этилган. Асарнинг биргина ибодат қисмига тегишли 74 та масалада «ал-Мабсут»дан иқтибослар келтирилган. Жумладан, «Поклик» бўлимида – 11 та, «Намоз» бўлимида – 30 та, «Закот» бўлимида – 18 та, «Рўза» бўлимида – 1 та ҳамда «Ҳаж» бўлимида – 14 та ўхшаш масалалар

⁸ Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Аълам ал-ахёр. Қўлёзма. (Инвентарь рақами кўрсатилмаган). – В. 183^а.

⁹ Абулфидо Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992. – Б. 230.

мавжуд. Шу билан бир қаторда, Самарқандий аҳл ас-сунна ва-л-жамоанинг бошқа мазҳаб қарашларини баён этишда ўша мазҳабнинг мўътабар манбаларига таянади. Жумладан, шофеий мазҳаби ҳукмларини Имом Шофеийнинг «ал-Умм» ва шофеий мазҳабининг машҳур олими Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 476/1083 й.)нинг «ал-Мазҳаб фи ал-фикҳ аш-шофеий» китоби асосида келтириб ўтган. Биргина «Никоҳ» китобининг ўзида 8 та масалани баён этишда ушбу асарлардан истифода этилган.

«Асар қўлёзма нусхаларининг кодикологик таҳлили» деб номланган иккинчи параграфида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг қўлёзма нусхалари, уларнинг манбашунослик таҳлили ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Бугунги кунда Ирландия, Германия, Туркия, Саудия Арабистони, БАА, Ироқ, Сурия, Миср, Тунис ҳамда Ўзбекистонда асарнинг 37 та қўлёзма нусхалари сақланади. Тадқиқотда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари 33 та қўлёзмасининг манбашунослик таҳлили амалга оширилган. БАА давлатидаги «Жума ал-мажид» маркази фондида Носируддин Самарқандий асарларининг 30 та қўлёзмаси электрон нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг 27 таси «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асаридан иборат. Ўзбекистонда манбанинг 2 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида №.4704¹⁰ ва №.3032 инвентарь рақам остида¹¹ сақланади. Мазкур икки нусха XIV асрга оид деб таъкидланган. Асар қўлёзмаларининг асосан XIII–XIV асрга доирлиги унинг мазкур даврда кўп олимлар томонидан кенг истифода этилганидан дарак беради.

Қўлёзмаларда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асари тўлиқ сақланиб қолган. Асарнинг бўлим, боб ва фаслларнинг номи алоҳида ажратиб кўрсатилган. Бу мавзуларнинг матнга нисбатан каттароқ ҳарфлар билан ёзилиши ва ўша ҳарфларни қора ёки қизил ранглар билан белгиланишида намоён бўлади. «Ал-Фикҳ ан-нофеъ» қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалгани, уларнинг сақланиб қолган нусхалари сони ўша даврда ёзилган манбаларнинг сақланиб қолган сонига нисбатан кўпроқ эканлигини инобат олиб айтиш мумкинки, асар нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам ҳанафий уламолари томонидан истифода этилган.

Иккинчи бобнинг «Манбага ёзилган шарҳларнинг хусусиятлари» деб номланган параграфида асарга ёзилган шарҳлар ва изоҳлар ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатлари очиқ берилган. Тадқиқот натижасида «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарига XII–XIV асрларда 11 та шарҳ ва изоҳ ёзилгани аниқланди. Улардан 2 таси: Аҳмад ибн Умар Насафий (ваф. 562/1167 й.)нинг «ал-Манофиъ фи ал-фавоид ан-нофеъ» ва Абдулҳолик Ғиждувоний (ваф. 575/1179 й.)нинг «Шарҳ ал-фикҳ ан-нофеъ» асари XII асрда ёзилган. Аҳмад ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 665/1267 й.)нинг «ал-Манофиъ фи ал-Фавоид ан-нофеъ» ва Ҳамидулдин Ромуший Бухорий (ваф. 666/1268 й.)нинг «ал-

¹⁰ Қаранг: Носируддин Самарқандий. Ал-Фикҳ ан-нофеъ. ЎзР ФА ШИ. Асосий фонд. Қўлёзма. № 4704. – 180 в.

¹¹ Ўша манба. № 3032. – 291 в.

Манофиъ фи ал-Фавоид ан-нофеъ» деб номланган шарҳи эса, XIII асрга тўғри келади. XIV асрга келиб эса «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарига ўз даврининг машхур ҳанафий уламолари: Абул Баракот Насафий (ваф. 710/1310 й.)нинг «ал-Мустасфо», Муҳаммад ибн Илёс Моймарий (ваф. 751/1350 й.)нинг шарҳи, Саъдуддин Умар Тафтазоний (ваф. 792/1391 й.)нинг «Шарҳ ал-фикҳ ан-нофеъ», Жалолиддин Муҳаммад Султон (ваф. 740/1340 й.)нинг «Шарҳ ан-нофеъ», Абдурахмон ибн Абдуллоҳ Ҳалабийнинг «ал-Ходим фи ҳалла алфази Аби ал-Қосим», Аҳмад ибн Али Ҳамадоний (ваф. 755/1354 й.)нинг «Назм ан-нофеъ» ҳамда Абу Бакр Маҳмуд Ҳамавийнинг «ал-Ҳодий ли-л-бодий» деб номланган шарҳи таълиф этилган.

Тадқиқот давомида «ал-Фикҳ ан-нофеъ»га ёзилган шарҳлардан 3 тасининг қўлёзма нусхалари бугунги кунга қадар етиб келгани аниқланди. Улардан Аҳмад ибн Умар Насафийнинг «ал-Манофиъ фи ал-фавоид ан-нофеъ» номли шарҳи қўлёзмаси Туркияда ҳамда Ҳамидуддин Ромуший Бухорийнинг «ал-Манофиъ фи ал-фавоид ан-нофеъ» деб номланган шарҳи Ирландияда сақланади. Шунингдек, Абул Баракот Насафийнинг «ал-Мустасфо» деб номланган шарҳининг дунё фондларида 50 та қўлёзма нусхаси сақланаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур шарҳ ҳар бир мавзу ва унинг матнига луғавий, истилоҳий изоҳ берилгани ҳамда мавзу юзасидан нафақат фикҳий масаланинг моҳияти, балки ҳанафий-мотуридий ақидавий қарашлари ҳам очиб берилгани билан ажралиб туради.

Тадқиқотнинг учинчи боби **«Асардаги диний-ижтимоий масалаларнинг бугунги кундаги аҳамияти»** деб номланиб, унда Носируддин Самарқандийнинг «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарида баён этилган ҳукмларнинг бугунги кунда мавжуд ибодат масалаларига доир ихтилофларни олдини олишдаги ўрни, оилавий муносабатларни тартиб солишда асарда баён этилган никоҳ ва унга тегишли масалаларнинг аҳамияти ҳамда замонавий ижтимоий муаммоларни олдини олишда манбанинг роли очиб берилган.

«Асардаги ҳукмларнинг ибодат масалаларига доир ихтилофларнинг олдини олишдаги ўрни» деб аталган биринчи параграфда «ал-Фикҳ ан-нофеъ» асарининг замонавий ихтилофли масалаларга ечим топишдаги аҳамияти очиб берилган. Асарнинг молиявий ибодатлардан саналган «Закот бўлими»да закотнинг турлари ва уларга тегишли шартлар белгиланган. Мазкур бўлимда қўй, эчки, қорамол, туя каби закот олинадиган ҳайвонлар қаторига Жанубий Осиё, Африка, Жанубий Европа ва Кавказ минтақаларида учрайдиган «Жомус» (ёки Буйвол, яъни буқаларнинг кенжа оиласига мансуб ҳайвон) ҳам киритилган. Носируддин Самарқандий жомуслардан олинадиган закот миқдори худди қорамоллардан олинадиган закот миқдорида бўлишини белгилаб берган. Унга қўшимча равишда ҳайвонларнинг эркак ва урғочиси закот олишда тенг эканлиги келтириб ўтилган.

